

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

632 Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 7 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2693-1

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва 2017 йил 12 апрелдаги ЎРҚ–428-сон «Судлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал ва Хўжалик процессуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги ПФ–5022-сон «Иқтисодий ночор корхоналарни қўллаб-қувватлаш механизмларини янада кенгайтириш ҳамда тижорат банкларининг кўчмас мулк объектлари негизида янги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этишни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2015 йил 13 июндаги 14/3-сон қарори (рўйхат рақами 2693, 2015 йил 6 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 27-сон, 360-модда) билан тасдиқланган Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 24 июнь,
14/17-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг 2017 йил
24 июндаги 14/17-сон қарорига
ИЛОВА

**Тижорат банклари капиталининг монандлигига
қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга
киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимча**

1. 2-бандда:

учинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«**капитал захиралар** — солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлангандан сўнг соф фойда ёки аввалги йилларнинг тақсимланмаган фойдаси ҳисобидан шаклланган захиралар. Улардан банк фаолиятида вужудга келадиган ҳар қандай зарарларни улар юзага келиши биланоқ ҳеч қандай чеклашларсиз қоплаш учун фойдаланилиши мумкин;»;

тўртинчи хатбоши «фойда» деган сўздан кейин «ёки аввалги йилларнинг тақсимланмаган фойдаси» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

2. 13-банддаги «10 ва 11-бандлардаги» деган сўзлар «11 ва 12-бандлардаги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 16-банднинг бешинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Бунда I даражали капиталдан чегирмалар таркибига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 18 ноябрдаги ПФ-4053-сон «Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ танлов савдоларида банкларга реализация қилинган ишлаб чиқарувчи банкрот корхоналар мол-мулки негизида ташкил қилинган корхоналарга, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 19 ноябрдаги Ф-4010-сон фармойиши билан тасдиқланган Иқтисодий ночор корхоналарни танлов савдоларида банкларга реализация қилиш тартибига мувофиқ иқтисодий судларнинг қарорларига биноан кредитор банклар балансига тугатиш қиймати бўйича қабул қилинган ишлаб чиқарувчи банкрот корхоналар мол-мулки негизида ташкил этилган корхоналарга банкларнинг инвестициялари киритилмайди.».

4. 20-банднинг олтинчи хатбошисидаги «15» рақами «16» рақами билан алмаштирилсин.

5. 21-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

27 (787)-сон

— 171 —

632-633-моддалар

«таваккалчилик даражаси паст бўлган мамлакатлар банкларига қўйилган барча талаблар, шу жумладан, қарзлар ва пул бозори воситалари;».

6. 23-бандда:

иккинчи хатбошидаги «19 — 21-бандларида» деган сўзлар «20 — 22-бандларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошидан «ёки реструктуризация қилинган» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

7. 37-банднинг жадвалидаги «асосий капиталнинг регулатив капиталдаги улуши» деган сўзлар «асосий капиталга» деган сўзлар билан алмаштирилсин.